Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 5 (21. 124) 1992 йил 7 январь, сешанба

Баҳоси 35 тийин.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚАВЕРСИН!



МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ДУНЕГА, ЖАҲОНГА ЧИҚДИК... ЭНДИ ЎЗБЕКИСТОН ДУНЕ ХАРИТАСИДА КАТТА ҲАРФЛАР БИЛАН ЁЗИБ ҚЎЙИЛАДИГАН БЎЛДИ.
БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА, ШАҲАРДА ҲАМ, ҚИШЛОҚДА ҲАМ ДАДИЛ ҲАРАКАТ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ. ЭРТАНГИ КУНГА УМИД БОР. БУ ЭСА ЎЗ САМАРАСИНИ АЛБАТТА БЕРАДИ.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқидан).



ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланганлигингиз муносабати билан Россия Федерацияси Олий Кенгаши номидан самимий табриклар ва энг яхши истакларни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон халқи ўз тақдирини Сизга ишониб топшириб ўз йўлини танлаб олди, бу эса шахсан Сизга юксак даражадаги ҳурмат-эҳтиромнинг ва сиз ўтказаётган сиёсатга ишончнинг энг яхши далилидир.

Россия билан Ўзбекистон ўртасида анъанавий ҳамжиҳатлик ва дўстлик мавжуд, бу ҳамжиҳатлик ва дўстликнинг мустаҳкамлиги қийин даврларда синовдан ўтган. Бу яхши муносабатлар мустақил давлатлар ҳамдўстлигида халқларимизнинг бахт-саодати йўлида самарали ривожланишга ишончим комил.

Самимий ҳурмат билан

Россия Федерацияси Олий Кенгашининг Раиси

Р. И. ХАСБУЛАТОВ.

Москва,
1992 йил 3 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Туркистон Ҳарбий округининг Харбий кенгаши, қўмондонлиги Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига сайланганингиз билан табриклайди. Умумхалқ муқобил сайлови чоғида Сизнинг қўллаб-қувватлангани н г и з Сиз танлаб олган ва республика мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан гуллатиб-яшнатишга қаратилган йўл тўғрилигининг энг яхши далилидир. Сиз ўтказаётган йўл олий мақсадга — бутун Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ошишига олиб боради, деб умид қиламиз.

Туркистон Ҳарбий округининг Ҳарбий кенгаши қўмондонлиги

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Қўрғонтепа районининг кўп миллатли аҳолиси дастлабки Президент сайловида яхши кайфият билан қатнашди. Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, улар Сиз учун якдиллик билан овоз бердилар. Сизни шу юқори лавозимга сайланганингиз билан табриклаймиз.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, республикамизни юксак даражада ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш йўлидаги катта ишингизда сизга ҳамиша муваффақият ёр бўлсин.

Қўрғонтепа район аҳолиси номидан: район кенгаши-нинг раиси, Ўзбекистон халқ депутати Т. БОБОХОНОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси район ташкилотининг котиби А. ИБРОҲИМОВ, Уруш ва меҳнат фаҳрийлари район кенгашининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. САРИМСОҚОВ, Ўзбекистон халқ депутати А. МИРЗАЖОНОВ, Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси район комитетининг биринчи котиби М. ХУЖАҚУЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Жиззах вилоятидаги Мирзачўл райони меҳнаткашлари сизни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига умумхалқ томонидан сайланганингиз билан самимий қутлайди. Сизга халқ бахт-саодати, республиканинг порлоқ келажаги йўлида самарали фаолият, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, президентнинг кўп қиррали ишида муваффақиятлар тилаймиз.

Район меҳнаткашлари топшириғига биноан район кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Б. СЕРИКОВ.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Тошкент шаҳрининг юз минг кишилик тиббиёт ходимлари номидан Сизни мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбдан қутлаймиз.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган меҳнаткашлар Сизга юксак ишонч билдирди. Бу Сиз олиб бораётган эзгу ишларга берилган муносиб баҳодир. Республика соғлиқни сақлаш ходимларининг манфаатлари ва турмуш даражасини ҳимоя этишга қаратилган Сизнинг «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида»ги Фармонингизни чуқур мамнуният билан кутиб олдик.

Янги — 1992 йилда Сизга чин қалбдан куч-ғайрат, яхши кайфият, сўнмас шижоат тилаймиз.

Қ. РИЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Кенгаши соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи.

МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Жумҳуриятимиз ва халқимизнинг мустақилликка қонуний эришгани билан чин қалбимдан қутлайман. Сизни умумхалқ хоҳиши ила Президент этиб сайланганингиз билан табриклайман.

Сизни ва оила аъзоларингизни Янги йил билан муборакбод этаман. Сизга ва Сиз орқали заҳматкаш халқимизга бахт-саодат, хотиржамлик, хайрли иш йўлида катта муваффақиятлар тилайман.

Фозила СУЛАЙМОНОВА,
Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи бўлим бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА!

Тангри наздида энг яхши гап — рост гапдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бу муборак ҳадис шарифлари бизни ўз фикримизни рост ёзишга ундайди.

Алҳамдулиллоҳ, жумҳуриятимизда адолат тарозуси паллаларига ҳақ йўл қўйилди. Истиқлол сўзи ишонч, имон, инсоф сингари муқаддас каломлар билан ҳамоҳанг янгради. Элимиз қувончи-ю ташвиши ошкора айтилди. Наврўзимиз, динимизга қайтганлигимиз рост бўлди. Улусга меҳр-оқибат кўрсатилиб, миллатимизга «пахта иши» деб қўйилган айб нотўғри эканлиги исботланди. Бағримиз бутун, виждонимиз пок, нонимиз ҳалол бўлди.

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунида ҳаққоний ва адолатли йўлни тутди. Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Сизни жамҳурраисликка сайладик. Биз ҳам Сизнинг номзодингизни тўла қувватладик. Бир овоздан номзодингиз учун овоз бердик.

Сиз, Президентимиз мустақил Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган сессиясида юртимиз халқи билан ҳамкорликда бажариладиган вазифалар ҳақида сўзладингиз. Сизнинг сўзларингиз астойдил маъқуллаб кутиб олинди. Биз ҳам истиқболимиз учун куч-ғайратни аямаймиз. Ҳамшаҳарларимизни ҳам шунга даъват этамиз!

Ҳурматли Президент! Энг яхши тилакларимиз ва эҳтиромимизни қабул этгайсиз! Сизга Тангри мададкор бўлсин!

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов районидаги «Мевазор» маҳалласи фаоллари.

ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ!

Биз — Ўзбекистон Республикаси телерадио Давлат қўмитаси бадиий жамоаларининг ижодий ходимлари Сизни 29 декабрь куни бўлиб ўтган Президентлик сайловида ғолиб чиққанингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Қолаверса, 30 декабрь куни имзоланган Фармонингизни халқ учун ғамхўрлик деб биламиз. Сизга бахт-омад ёр бўлсин, умрингиз узоқ, меҳрингиз ҳамиша дарё бўлсин.

Б. САФАРОВ,
Ўзбекистон телерадиоси Бадиий жамоаларининг директори.

Ғ. ТОШМАТОВ,
А. ИСМОИЛОВ,
Ҳ. ШАРИПОВ,
Ўзбекистон халқ артистлари.

Қ. КОМИЛОВ,
Т. РАЖАБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати (бундан кейин «Аҳдлашувчи томонлар» деб юритилади) икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида қуйидагилар ҳақида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи томонлар икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатли ва барқарор савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш учун барча зарур чораларни кўрадилар ҳамда шу мақсадда қулай шарт-шароитларни яратадилар.

2-модда

Аҳдлашувчи томонлар икки мамлакатнинг импорт-экспорт молларига бож солиғи солиш, бошқа солиқлар, божларни тартибга солиш, шунингдек, бож тартиб-қоидасини амалга ошириш борасида бир-бирларига энг қулай шароит яратиб берадилар.

Бу қоида қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

1. Аҳдлашувчи томонлардан бири чегара савдосини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида қўшни мамлакатга берган ёки берадиган имтиёзларга.

2. Аҳдлашувчи томонлардан бири Божхоналар иттифоқи ва эркин савдо зонасига аъзо давлатларга берган ёки берадиган имтиёзларга.

3-модда

Аҳдлашувчи томонлар ушбу битимнинг қоидалари ҳамда мамлакатларнинг ҳар бирида амал қилувчи қонунлар асосида аҳдлашувчи томонлардан бирининг иккинчи томон ҳудудида сармоя эгалари ўз сармояларини сарфлашларини рағбатлантирадилар ва ҳимоя қиладилар.

4-модда

Аҳдлашувчи томонлар мамлакатлардан ҳар бирида амал қилаётган қонунлар доирасида икки мамлакат компаниялари, корхоналари ва ташкилотлари ўртасида турли шакллардаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга, жумладан, корхоналар ўртасида бевосита иқтисодий алоқалар ўрнатишга, қўшма корхоналар, техника-иқтисодий ҳамкорлик зоналари барпо этишга кўмаклашадилар.

5-модда

Томонлар жаҳон бозорларидаги тегишли моллар жорий нархига асосланиб, молларнинг нархларини келишиб оладилар ва белгилайдилар.

Моллар учун тўловлар мамлакатларнинг ҳар бирида валюта ишларини тартибга солиш соҳасида амал қилувчи қонунларга мувофиқ иккала томон келишиб олган эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, ўзаро ҳисоб-китобнинг бошқа шакллари тўғрисида аҳдлашиб олиниши мумкин.

6-модда

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой банки ушбу битим кучга кирган пайтдан бошлаб бир ой ичида ушбу битимга мувофиқ амалга ошириладиган савдо-иқтисодий тусдаги операцияларга доир ҳисоб-китоблар ва тўловларнинг техник тартибини белгилаши лозим.

7-модда

Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида аҳдлашувчи томонлар савдо ярмаркалари, кўргазмалар ташкил этишда, жумладан, техникавий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, ўз мамлакатлари ҳудудларида бир-бирларига савдо делегацияларига ва бошқа делегацияларни юборишда бир-бирларига кўмаклашадилар.

8-модда

Аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз мамлакатида амал қилаётган қонунларга мувофиқ унинг ҳудудида бошқа томоннинг савдо-иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи компаниялари, корхоналари ва ташкилотларининг доимий ваколатхоналарини очишга рухсат этади ҳамда ана шу қонунларга мувофиқ мазкур ваколатхоналарнинг бемалол ишлаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

9-модда

Аҳдлашувчи томонлар ушбу битим қандай ижро этилаётганлигини кўриб чиқиш ҳамда савдо ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш чоралари тўғрисидаги тавсияларни тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати вакилларидан иборат қўшма комиссия тузадилар, қўшма комиссия томонлардан ҳар бирининг таклифига биноан келишилган муддатларда иккала мамлакатда навбатма-навбат билан тўпланади.

10-модда

Аҳдлашувчи томонлар ўзаро келишиб, ушбу битимга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

11-модда

Ушбу битим имзоланган вақтдан кучга киради ва беш йил давомида амал қилади. Аҳдлашувчи томонлардан бири мазкур битимнинг амал қилиш муддати тугашидан 6 ой олдин иккинчи томонни ушбу битим амал қилишини тўхтатиш истагини ёзма равишда хабардор қилмаган тақдирда битим ўз-ўзидан ҳар сафар яна беш йилга узаяди.

Ушбу битим амал қилган даврда тузилган ва унинг амал қилиш муддати тамом бўлган пайтгача тугалланмаган шартнома ушбу битимнинг қоидаларига мувофиқ бажарилиши лозим.

1992 йил 2 январь куни Тошкент шаҳрида ўзбек, хитой ва рус тилларида уч нусхада тузилди, учала матн ҳам асл нусха ҳисобланади ва бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Б. С. ҲАМИДОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номидан

Ли ЛАНЬЦИН
ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИШ ТЎҒРИСИДА

ҚЎШМА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати билан Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати икки мамлакат халқларининг манфаатлари ва орзу-умидларига мувофиқ 1992 йил 2 январдан бошлаб элчилар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилдилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини бир-бирларининг истиқлоли ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, бир-бирларига ҳужум қилмаслиқ, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлиқ, шунингдек тинч-тотув яшаш қоидалари асосида ривожлантиришга рози бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Хитойнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг позициясини тан олади ҳамда Хитойнинг бирдан-бир қонунний ҳукумати бўлган Хитой Халқ Республикаси ҳукумати билан муносабат ўрнатади ва шу муносабатни давом эттиради.

Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг миллий мустақилликни ҳимоя қилишга ва иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди ҳамда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлишда Ўзбекистон Республикасини қўллаб-қувватлайди.

Иккала мамлакат ҳукуматлари Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонасини ва Тошкент шаҳрида Хитой Халқ Республикасининг элчихонасини очишга қарор қилдилар ва якдилдирларки, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамда халқаро амалиётга мувофиқ ўзга томоннинг дипломатия вакиллари ўз вазифаларини бажариш чоғида уларга барча зарур ёрдамни берадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Ш. Н. МАҲМУДОВА
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номидан
ТЯН ЦЗЕН ПЕЙ
ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 январь.

ШУ КУН МАВЗУИДА

КУПОН ТАРҚАТИЛМОҚДА

Купон тарқатиш шу кунининг энг муҳим, энг долзарб масаласига айланди. Лўнда қилиб айтганда, купонингиз бўлмаса, тез кунда магазиндан ҳеч нарса ололмайсиз. Шунинг учун ҳамма тезроқ купон олишга шошилянти. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси қошида купон тизимини жорий этиш комиссияси тузилди. Бундай комиссия шаҳар ва районларда ҳам иш бошлади.

Андижонда жумҳурият вазирликларидан ёрдамга келган вакиллар иштирокида купон тизимини зудлик билан жорий этишга бағишланган фавқулодда йиғилиш бўлди. Йиғилишда айтилишича, Ильич шаҳрида барча ташкилотларга купон тарқатиб бўлинди. Бўз, Пахтаобод, Избоскан районларида купон тарқатиш қизғин тус олди.

Тартиб бўйича вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг нафақа тўлаш маркази (бошлиғи И. Меҳмонов) вилоят алоқа бошқармаси билан купон тизимини жорий қилиш бўйича шартнома тузиши керак эди, — деди вилоят алоқа бошқармасининг бошлиғи А. Мўминов. — Лекин вақт зиқлиги сабабли шартнома тузилишини кутиб ўтирмай купон тарқатишни бошлаб юбордик. Нафақа бошқармаси шартнома масаласини шошилинч ҳал қилмаса тартиб бузилган бўлади.

— Агар ҳар бир нафақахўрга 260 сўм ҳисобидан нафақа белгилайдиган бўлсак бир ойда 80 миллион сўм пул ва купон керак, — деди жумҳурият нафақа фондининг Андижон филиали бошқарувчиси Қ. Арслонқулова. — Бизда бир сўм ҳам пул йўқ. Чунки, 1991 йилни 6 миллион сўм қарз билан якунладик.

Йиғилиш раҳбариятининг илтимоси билан Қаноатхон Арслонқулова жумҳурият нафақа фондининг бошқарувчиси Тўйчи Ҳайдаровга вилоятдаги вазиятни тушунтириб берди. Т. Ҳайдаров икки кун ичида Андижон нафақа фондига давлат ҳисобидан пул ўтказилишини таъминлашга ваъда берди. Агар бу масала шошилинч ҳал этилмаса, андижонлик нафақахўрлар январь ойида нафақа пули ҳам, купон ҳам ололмайдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

УМИД ЮЛДУЗИ

ЭРТАНГИ кунимизнинг янада ёркин бўлишини ҳис қилиб турибмиз.

Бу республикамизнинг истиқлол йўлини танлаб олганидан далолат. Кечагина ота-боболаримизнинг муборак номини ярим-ёрти айтардик, асарларидаги асл мазмундан кўз юмиб шунчаки санаб қўяқолардик. Йўқ, буларнинг барчаси барҳам топмоқда. Тарихимизни ҳақ йўлида ёзишга тушдик.

Абдулла Қодирий бизу сиз билан ёнма-ён суҳбатлашаётгандай.

Чўлпон «Яна олдим созим» деяётгандай.

Фитрат донишмандона суҳбат қураётгандай.

Усмон Носир муҳаббат мавзусидаги шеърини давом эттираётгандай.

Бундай жигарбандларимиз ҳали кўп. Уларнинг иззат-икромини ўрнига қўйиш бизларга насиб этди. Миллий ғуруримизни улуғлаш бизларга буюрилди.

Бир кафт она-тупроқни соғинган ватандошларимиз дунёдан зор ўтдилар. Биз уларнинг пешоналарига ёппасига тавқи лаънат битганимиз етмай, чегараларни ҳам ёпиб қўйдик. Ватандошларимиз, уларнинг фарзандлари, невара ва эвараларини учун дарвозаларимиз очиқ. Бағримизга босиб қарши олишга, хонадонимиз ва тўкин дастурхонимизга таклиф этишга тайёрмиз.

Бу ҳам истиқлол туфайли!

Бу умид юлдузимиз порлаётганидан нишона!

Бу 1992 йил арафасида республика Президентлигига сайлов ва республика мустақиллиги референдумида яна бир бор аён бўлди. Ислом Каримов халқимиз хоҳиш-иродаси туфайли республика Президенти этиб сайланди. Республикамиз мустақиллик йўлини тутди.

КУНИ кеча XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси янада ҳаяжонли ўтгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов муқаддас китобимиз — Қуръони каримни олди-да, уни ўпиб ва пешонасига суртди. Халқимизга садоқат билан хизмат қилишга, юксак вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қилди.

Истиқлол дарвозалари очилди. Республикамизни тан олаётган давлатлар сафи кенгайиб бораяпти. Бу ёғи Америка Қўшма Штатлари, Канада, Туркия, Швецария... Бу томондан Миср Араб жумҳурияти, Эрон, Қувайт, Ҳиндистон, Хитой... Яна қанча мамлакат...

Республикамиз мустақиллигини қутлаб, иқтисодий, маданий алоқа ўрнатишга интилаётган давлатлардан дил сўзлари келиб турибди. Ҳа, И. А. Каримов таъкидлаганидек, мустақил давлатлар даврасида Ўзбекистон ўзининг ўрнига эга бўлди. Ўзбекистон тенглар ичида тенг бўлди! Ана шунинг ўзи ҳам умид юлдузидир.

Лекин ана шу умид юлдузини хиралаштириб, унинг шуъласини тўсиш билан овора бўлганлар ҳам йўқ эмас эди. Ўзининг ўрнини марказда деб билиб, фақат тайёрга боковул бўлишди. Ўзини адолат посбонлари ўрнида кўришди, аслида ҳар қадамда маломат тошларини отишди. Халқимизнинг айни куч-қувватга тўла, билимдон ва ташаббускор йигит-қизларини бадном қилмоқчи бўлишди. Ниҳоят, «Пахта иши» билан ноҳақ ҳукм этилганлар ўз хонадонларида янги йил дастурхонига файз киритиб ўтирдилар.

Бу ҳам мустақиллик туфайли юз берди.

Халқ ўз Президентини сайлади. Президентимиз ҳам ўз навбатида ҳалол меҳнат қиляпти. Яқиндагина қабул қилинган Фармоннинг ўзи билан қанчадан-қанча талабалар, саломатлик посбонлари, заҳматкаш муаллимларнинг ташвишлари енгиллашди. Шаҳар ва қишлоқларда янги уйлар қурилмоқда. Бир йилнинг ўзида 700 минг янги оила, хонадон пайдо бўлди. Бу эртанги куннинг ёркин юлдузидир.

Бу юлдузларнинг тинчлиги, осойишта яшаши Президентнинг бош вазифасидир. Сессияда ҳақли равишда таъкидлаганидек, Президент тинчлик, тотувлик кўрғонининг меъмори бўлиб қолажак! Қаердаки, тинчликка путур етса, халқ осойишталиги хавф остида қолса, ўша жойда Президент посбон бўлиши даркор. Шу ўринда нутқда тилга олинган мана бу сўзларни такрорламай ўтолмайман... «...бир йигит йиқилса, она йиқилади, ота йиқилади, оила мотамга ботади, қишлоқ йиғлайди. Ун йигит йиқилса-чи? Юз йигит йиқилса-чи? Ахир баъзи минтақаларда шундай бўлмоқда, миллий низолар туфайли келинчаклар бева қолмоқда. Оналар болам деб фарёд чекаяптилар. Йўқ! Бунга йўл қўйиш мумкин эмас ва қўймаймиз ҳам».

Бу шунчаки дабдабали шиор эмас, бугун ва ҳамиша қилинадиган бош вазифалардан биридир. Бунинг учун ёшларимизнинг имон, инсоф, диёнат, ор-номусли бўлишига ундаяпмиз. Истиқлол ҳар бир йигит-қизни юксак одобли, билимдон, қўлимишли бўлишини кутяпти. Уларнинг ўқиши, тарбия олиши, дунё илм-фанидан бохабар бўлиши учун ҳорижий дорилфунунлар эшигини кенг очмоқчимиз. Худди шу йигит-қизларимиз эртамизнинг ёркин юлдузлари бўлишига ҳар биримиз ишониб турибмиз.

Истиқлол юлдузи порлаб турибди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ янги йўлдан довон ошиб боряпти. Зеро, шоир Абдулла Ориф куйлаганидек:

Энди сени қўлласин
Оллоҳ ўзи доимо.
Сафаринг бехатару
Ҳизр бўлсин йўлдошинг.

Мирза КАРИМ.

ЛИВИЯ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАН ОЛДИ

● Ливия Араб Жамаҳириясининг Тошкентдаги Бош консулхонасидан баёнот олинди. Унда қуйидагилар таъкидланади:

Ливия Араб Буюк социалистик халқ жамаҳириясининг ташқи алоқалар ва халқаро ҳамкорлик халқ шўъбасининг халқ комитети Ўзбекистон Республикасининг истиқлоли мустақил давлат деб эълон қилинганини қутлайди ва Ливия Араб Жамаҳириясининг халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва миллий йўлини танлаб олиш ҳуқуқига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олганини маълум қилади.

Халқ шўъбаси Ливия Араб Жамаҳириясини Ўзбекистон халқи билан боғлаб турган дўстона муносабатлар ва яхши ҳамкорликни давом эттириш муддаосини тасдиқлайди. Ливия Араб Жамаҳириясининг ўзаро манфаатларни кўзлаб, бу муносабатларни ривожлантиришга тайёрдир. **(ЎзТАГ).**

• Мустақил деҳқон эрки

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси биносининг бешинчи қаватидаги хоналарнинг бирида икки ўртада бўлаётган савдонинг устидан чиқиб қолдик. Бунда уюшма ташқи иқтисодий алоқалар гуруҳи ходими сотувчи, Ромитан районидаги хўжаликлардан бирининг ранси эса харидор вазифасини бажармоқда эди. Савдо сўм билан эмас, доллар ҳисобида бўлаётган экан.

Ҳамма гап шундаки, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси бошқаруви режадаги ҳосилнинг 5 фоизини ва режадан ташқари тайёрланган пахтанинг ҳаммасини хорижга сотиш ташвишларини ихтиёрий равишда ўз зиммасига олди.

ДОЛЛАР ҲИСОБИДАГИ ПАХТА САВДОСИ

1990 йилнинг бошидаёқ уюшма бошқаруви раиси И. Раҳматов бир гуруҳ мутахассислар билан Туркия жумҳуриятида бўлиб, келгуси йил ҳосилини сотишдан манфаат кўриш имкониятларини излаган эди. Пировардида бу сафар Туркиянинг «Генайя» фирмаси билан кенг истеъмол молларини пахта толасига жаҳон бозоридаги нарх асосида айирбошлаш тўғрисида ўзаро шартнома имзоланиши билан якунланди. Толанинг жаҳон бозоридаги нархи эса «Ливерпуль» халқаро биржасида ҳар тоннаси 1200 долларга тўғри келаётир.

1991 йил якунланиши арафасида эса туркиялик қардошлар бухороликпахтакорлар хом ашёсига айирбошлаш учун 200 турдаги газлама, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа буюмларни таклиф этишди.

Вилоят уюшмаси бу буюмларнинг намуналаридан кўчма кўргазма ташкил қилиб, жойларда намойиш этяпти. Кўпчилик хўжаликлар бундай буюмларга қизиқиш билдирмоқдалар. Фирмадан харид қилинаётган аъло сифатли буюмлар собиқ совет бозоридаги кийим-кечаклардан 10-12 баравар арзон тушяпти.

Уюшмадаги воситачилар бугунга келиб вилоятнинг деярли барча хўжаликларидан талабномаларни олиб бўлишди. Тўғри, кўпчилик хўжалик раҳбарлари қўшимча ҳосилнинг озгина қисмини шундай буюмларга айирбошлашга рози бўляпти. Чунки уларни кўпроқ қишлоқ хўжалик техникаси, жумладан, фермерлар, якка деҳқон хўжаликларига ниҳоятда зарур бўлган кичик машина-механизмлар қизиқтираётир.

Бундай талабларни қондириш тадбирлари ҳам кўрилянти. Вилоят уюшмаси — жумҳурият агросаноат бирлашмасининг муассасаларидан биридир. Мазкур уюшмада тўртта даллоллик ўрни бор. Улар зарур маҳсулотларни жаҳон бозорининг каталоглари орқали излаб топишиб, ишлаб чиқарувчилар билан биржа орқали алоқа боғлаш тадбирларини кўришяпти.

1991 йилда вилоят пахтакорларининг омади келди. Давлат қабул пунктларига ярим миллион тоннадан зиёд сифатли хом ашё топширилди. Бундан ишлаб чиқариладиган 24 минг 340 тонна тола, 26 минг 682 тонна чигит Президент Фармонига кўра хўжаликлар ихтиёрида қолдирилди. Жаҳон бозорида пахта толасининг ҳозирги нархи сақланса, шунча хом ашёни деярли 30 миллион долларга сотиш мумкин.

Афсуски, бухороликлар пахтасига кўз олайтираётган корчалонлар ҳам оз эмас. Улар хом ашёни арзон гаровга сотиб олиш пайида хўжалик раҳбарларини аврашга тушганлар. Кўпчилик раҳбарлар эса ташқи бозордаги нарх-наво, тартиб-қоидалардан бехабар ҳолда уларнинг — Бундай комиссияларни ташкил қилишдан мақсад, — деди биз билан суҳбатда вилоят ижроия қўмитасининг раиси М. Р. Раҳмонов — хўжалик раҳбарларига қўшимча ҳосилни жаҳон бозорида иложи борича қиммат-роқ нархда сотишда ёрдам кўрсатишдир. Комиссиянинг тавсияси билан амалга оширилаётган савдо-сотиқ хўжаликларга миллионлаб сўм қўшимча даромад келтирянти. Энг муҳими, биз комиссиянинг ёрдами билан нафақат тақчил буюмлар, шу жумладан пахтакорларга ниҳоятда зарур бўлган қурилиш материаллари, янги корхоналар учун змонавий технологияларни харид қилиш имкониятига эга бўляпмиз. Вилоят иқтисодиётининг келажаги эса пировардида ана шунга боғлиқ.

Раис ҳақ гапни айтди. Замонавий ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмай туриб, жумҳуриятни хом ашё ўлкасидан юқори маданиятли ишлаб чиқариш қудратига эга бўлган республикага айлантириш амри-маҳол. Дарвоқе, бу — республикада ташқи бозор билан жойлардаги алоқаларни йўналтириб туриш соҳасидаги дастлабки тажрибадир.

Шунингдек, пахтакорлар Исроилдаги фирма билан ҳамкорликда Бухорода қурилаётган корхона учун валюта билан ёрдам беришди. Мазкур корхона чигитдан юқори сифатли пахта ёғи, кўп миқдордаги оксид моддасига эга бўлган чорвачилик озуқаларини ишлаб чиқаради. Энг муҳими, янги технология чигитдаги муайян зарарли моддани чиқариб ташлашга имкон беради.

Италия фирмаси билан ҳамкорликда кошинкор плиталар ишлаб чиқариш заводи қуриляпти. Корхона ишлаб чиқарадиган жами маҳсулотнинг 15 фоизини вилоят давлат ва жамоа хўжаликларига ажратиш мажбуриятини олган. Мазкур қурилишни валюта маблағи билан таъминлаш учун 2 минг тонна тола кифоя қилди. 1990 йили италияликлар билан ҳамкорликда Жондорда қурилган томат линияси эса ўз самараларини бера бошлади. Шу туфайли жондорликлар ўз томорқаларида етиштирган помидорларни нобуд қилмай топширадиган бўлдилар. Ҳозир ишлаб чиқарилган томатнинг ҳар килограммини 1,2 долларга сотиб олиш учун харидорлар бор. Бу совет пулига чақилса, деярли 200 сўм бўлади.

● Ҳа, Президент Фармони бухороликлар ҳосилига барака киритди! Бухоролик пахтакорлар республика Президентини халқ ишончи билан қўлга киритган юксак лавозим билан муборакбод қилиб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайдилар. Президентимиз бундан буён ҳам қанчалик тадбиркорлик кўрсатса, ўзбекистонлик пахтакорларнинг ошиғи — олчи бўлаверади.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАТАТ СЕРХОСИЯТ ЭКИН

• Ташаббусга кенг йўл

Ёзнинг сўнгги кунлари Гулистон шаҳридаги бир хонадонга ташриф буюрдик. «Сизларни ғаройиб бир экин билан таништирсам. Ахир, сиз, журналистлар янгиликка ўч бўласизлар-ку», — деб қолди мезбон.

Томорқада кўм-кўк бўлиб ўсаётган экинга ишора қилди-да, изоҳга ўтди:

— Ҳойнаҳой, бунақасини учратмаган бўлсаларингиз керак. Бир қарашда картошкага ўхшаб кетади-ю, лекин бутунлай бошқача экин. Номи — батат. Мўъжизанинг ўзгинаси. Ildиз мевали, ҳосилдор экин. Ўзбекистоннинг ер ва иқлим шароитига жуда мос.

У экиннинг икки-уч тупини кавлади-да, ildиз мевасидан таом тайёрлаттирди. Сариёққа қовурилиб, дастурхонга тортилган таом лаззатлилиги билан ажралиб турарди.

Ўша таом таъми ҳамон оғзимда. Ўз-ўзидан савол туғилади: бататни республикамизда кўпайтириш нега мумкин эмас?

Аниқланишича, бататнинг асли ватани тропик ва субтропик мамлакатлар бўлсада, Ўрта Осиё шароитида, жумладан Ўзбекистонда ўзини яхши «ҳис» қиладиган, кўп йиллик иссиқсевар ўсимлик. Суғорма деҳқончилик, айниқса енгил қумлоқ тупроқда батат гектарига 35 — 40 тоннадан, ҳатто ундан ҳам кўпроқ ҳосил беради. Энг муҳими, картошка ўрнида истеъмол қилиниши мумкин. Картошка тақчиллиги яққол сезилаётган ҳозирги вақтда унинг озиқ-овқат рационидаги ўрни катта.

Палаги сербарг бўлиб, чорва молларини боқишда тўйимли озуқа сифатида фойдаланилади. Унинг ҳар гектаридан таҳминан ildиз мевасига тенг келадиган миқдорда кўк масса олинади. Палагини кўк, қуритилган силос ҳолида ишлатса бўлади. Озуқа сифатида бемалол беданинг ўрнини босади.

Янгиликни ўрганиш жараёнида бу мўъжизакор экинга ихлосманд мутахассис билан танишиб қолдик. У Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳининг ўқитувчиси Борис Владимирович Борисов бўлиб, анча йилдан буён батат билан бевосита шуғулланиб келар экан.

Борис Владимировичдан кўп нарсаларни билиб олдик. Унинг маълумот беришича, батат бир қатор хорижий мамлакатларда кенг майдонларга экилиб, мўл ҳосил олиниб келиняпти.

«Ширин картошка» деб аталувчи бу экин хомашёсидан америкаликлар ун янчиб, турли юқори каллорияли қандолат маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланиб келишади. Натижада ҳар йили бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ун 25-30 фоиз миқдорида тежаб қолинади. Боз устига қандолат маҳсулотлари тайёрлашда шакар қўшилмайди. Чунки батат таркибида углеводлар кўп бўлиб, шакарни ишлатишга ҳожат қолмайди.

Янги экиннинг ҳосияти ҳақида яна сўз юритадиган бўлсак, у қурғоқчиликка чидамли. Парваришлаш даврида азотли ўғит талаб қилмайди. Қуритилган батат унидан қанд касаллигига чалинган беморларга парҳез таомлар тайёрласа бўлади.

Бататнинг жумҳуриятдаги «таржимаи ҳоли» энди бошланяпти ҳисоб. Борис Владимировичнинг ташаббуси, саъйи-ҳаракати билан Самарқанд вилоятидаги Нарпай ва Ургут районларининг бир қатор хўжаликларида тажриба тариқасида экилиб, ундан яхшигина ҳосил олинди. Янги экин маҳсулоти болалар боғчаларига берилиб, таомлар ранг-баранглиги таъминланмоқда.

Эндиликда бататнинг ишқибозлари кўпайиб қолди. Самарқандга, Борис Владимирович номига жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан кўплаб хатлар келиб турибди. Уларда ана шу экин ildизмевасини топишда ёрдам берилиши сўралмоқда.

Бататнинг турли навлари бўлиб, аксарияти қишда сақлашга ҳам қулай. У етти-ўн кун селгитилиб, махсус омборларда ёки сўкичакларда мўътадил ҳароратда сақланса, бир ярим йил давомида атиги тўрт-беш фоизи чиқитга чиқади, холос.

— Бататни жумҳуриятимизда кенг майдонларга экиб кўпайтириш мумкинми? — сўрадик Борисовдан.

— Албатта, мумкин, — жавоб берди олим.

— Бунинг учун нима қилиш керак?

— Энг аввало, бу экинга эътиборни кучайтириб, биринчи навбатда уруғчилик билан жиддий шуғулланиш талаб этилади...

Ҳа, бататга эътибор берилса, бу мўъжизакор, хосиятли экин кенг майдонларга экилса, бундан республикамиз аҳолиси ва деҳқонлари фақат наф кўрадилар.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

• ҚЎЛНИ БЕРИНГ, ЖАҲОНДАГИ ШЕРИКЛАР!

МАҲСУЛОТДА «ЗАФАР» ЁРЛИҒИ

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ «ЗАФАР» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТУРКУМИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Жарқўрғон йигирув-тикув фабрикасининг меҳнат жамоаси ўтган йили пландан ташқари 50 минг метр газлама тайёрлади. Корхонада асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Уларнинг меҳнати ва турмуши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилаётир.

Суратда: корхонанинг пешқадам йигирувчилари (чапдан ўнгга) Озода Қораева, Ғулҳон Жалилова, Марзия Юсупова ва Мелихон Шоймуродова смена бошланишидан аввал ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

И. ХУЖАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

Ушбу қўшма корхонанинг дастлабки маҳсулоти конвейердан ўтган йилнинг ноябрь ойи бошларида чиқиши керак эди. Бироқ 19—21 августда Москвада юз берган давлат тўнтариши бунга халал берди. Хитойлик ҳамкорлар мамлакатимиздаги сиёсий вазият барқарорлашгунга қадар иқтисодий алоқаларни тўхтатиб туришга мажбур бўлдилар. Натижада қўшма корхонани аҳдлашилган муддатда ишга туширишнинг имкони бўлмади.

Ҳайрият, бу вақт ичида жумҳурият ишбилармонлари қараб туришмади. Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор районидаги 1-радио заводидан келтирилган ўн комплект ускуналарни қўшма корхона учун ажратилган бинога ўрнатишди. Телевизор учун зарур бўлган кўпгина деталлар мамлакатдаги турдош корхоналардан келтирилди. Янги қўшма корхонани Иттифоқ миқёсида хом ашё билан таъминлаш масаласи ҳам бир йўла ҳал этилди.

Дарвоқе, маҳсулот тайёрлашга асос бўладиган техник-иқтисодий ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилди. Хитой томонидан қандай зарурий ускуналар олинади-ю, Иттифоқ турдош корхоналаридан қандай деталь ва эҳтиёт қисмлар олиниши аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Қарангки, ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган телевизорлар деталларининг қарийб 50 фоизини хориждан келтирмасдан ўзимизда ҳам топса бўларкан.

Қўшма корхонанинг бир гуруҳ вакиллари Хитойдаги ҳамкор корхонада бўлиб, технологияни бошқаришнинг сир-асрорларини ўрганиб қайтишди. Улар Тошкентга келишгач, ҳатто амалдаги деталлардан телевизорнинг дастлабки синов нусхасини ишиб кўришди. Бинойидек телевизор яратилди. Кўрса-кўргудек — хорижникидан қолишмайди. Бироқ ускуналар ва деталлар тўлиқ бўлмаганлиги сабабли барибир маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юборишнинг иложи бўлмади.

— Биз Хитой томонга хат орқали бир неча бор мурожаат қилдик, — дейди Ўзбекистон-Хитой «Зафар» қўшма корхонаси президенти А. Юсупов. — Лекин фойдаси бўлмади. Афтидан, ҳамкор фирма вакиллари август воқеаларидан кейин мамлакатимиздаги сиёсий аҳволнинг барқарорлашувини кутишди, чоғи. Шу боис фирмадан фақат яқиндагина жавоб хати олдик. Энди алоқалар тикланадиган бўлди.

Яқин кунларда хитойлик мутахассислар Тошкентга ташриф буюришади. Келишувга кўра, қўшма корхона учун мўлжалланган ускуна ва деталларнинг қолган қисми ҳам тез орада Хитойдан Ўзбекистон пойтахтига юборилади. Агар биз уларни ўз вақтида ўрнатиб, тегишли тадбирларни амалга оширсак, қўшма корхона маҳсулоти 1992 йилнинг май ойидан бошлаб истеъмолчилар қўлига етиб боради.

Бу ноябрь ойининг бошларида айтилган гап эди. Яқинда яна қўшма корхонада бўлдик. Қарангки, аҳвол бутунлай ўзгарибди. Қўшма корхонани тезроқ ишга туширишга йўлдаги саъйи-ҳаракатлар кучайганда-кучайибди.

Мутахассислар ҳар бир детални мукаммал ўрганиб, сифатсиз маҳсулот чиқарилиши олдини олишга ҳозирданоқ интилишяпти. Очиғи, бунга асос бор. Чунки телевизор трубкалари жанубий Кореядан, корпус эса Японияда ҳамкор фирма воситачилигида келтирилади. Буларга совет техникаси элементларини жорий қилишнинг ўзи бўлмайди. Кичик хато, нинача номукаммаллик маҳсулотни яроксизга чиқариб қўйиши мумкин. Шу боис, ҳар бир технологик жараён атрофлича ўрганилиб, тегишли синовдан ўтказиляпти.

Биринчи линия ишга тушгач, йилига 25 минг дона телевизор тайёрланади. Хуллас, жумҳурият аҳолисини тақчил истеъмол буюм билан таъминлаш имконига эга бўлинади.

Дарҳақиқат, ният холис бўлса, мақсадга эришиб тайин. Ўзбекистон ишбилармонлари қўшма корхонани ташкил этаётганда жумҳурият истеъмол бозорини ана шу турдаги маҳсулотларга тўлдиришни мақсад қилиб қўйишганди. Холис ният ижобат топадиган кунларга ҳам оз қолди. Сирасини айтганда, бу хайрли ишни амалга ошириш учун вакилларимиз анча елиб-югуришди, тинимсиз изланишди.

Ниҳоят, ўйланган режани рўёбга чиқаришнинг йўли топилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Хитойнинг Шинжон Уйғур мухтор районига амалий дўстона ташриф билан борганида А. Юсупов бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар имкониятдан фойдаланишди. Улар бу ердаги 1-радио заводи раҳбарлари билан учрашиб, қўшма корхона тузиш тўғрисида келишиб олдилар.

Аслида бу завод вакиллари билан бизнинг ишбилармонларимиз ўртасидаги алоқа бирмунча илгари бошланганди. Инчунун, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ҳақидаги шартнома тезда имзоланди. Унга кўра ҳар икки томон қўшма корхона учун 4 миллион сўмдан валюта маблағлари ажратадиган бўлдилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисмини Ўзбекистон бозорида сотиш, 20 фоизини эса Хитой томонга бериш кўзда тутилади.

Хитой фирмаси вакилларининг айтишича, қўшма корхонада тайёрланадиган телевизорлар жаҳон бозори талабларига мос келади. Мабодо, жумҳурият истеъмол бозоридан ортиб қолса, хорижга бемалол сотса бўлади. Шундай тажриба ҳамкор фирмада кенг қўлланилар экан.

Гапнинг очиғи, қўшма корхона раҳбарлари ҳозирча жаҳон бозорига чиқиш ҳақида бош қотирганлари йўқ. Даставвал жумҳурият аҳолиси эҳтиёжини қондириш керак. Зотан, «Зафар» ёрлиғи босилган телевизорларни жумҳуриятдаги барча «ойнаи жаҳон» мухлислари интиқиб кутишяпти. Бинобарин, қўшма корхона вакилларининг бугунги кундаги асосий вазифаси тезроқ ишончни оқлаб, аҳолига сифатли маҳсулот етказиб беришдан иборат. Ўйлаймизки, улар бу хайрли ишнинг уддасидан чиқишади.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ТИЛ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН — АМАЛДА

ЯНГИ ХАРИТАМИЗНИ ЯРАТАЙЛИК

Ҳамма нарса тилдан бошланар экан. Грузияда грузин тили Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ давлат тили ҳисобланган. Эсимда, 1950 йилда Иттифоқдаги бир қанча йирик шаҳарлар қатори Тбилисида ҳам талабалик амалиётида бўлган эдик. Бошқа бир хорижий мамлакатга келиб қолгандай ҳис қилдик ўзимизни. Кўча-кўйларда, ҳатто университетда ҳам барча ёзувлар грузин тилида. Тбилисида ҳамма грузинча гаплашар экан. Китоб магазинларига кирсангиз, жавонларнинг ярмидан кўпини грузинча китоблар эгаллаган. Бокуда, Ереванда ҳам аҳвол инчунин. Орадан 40 йил ўтгач, биз бу каби соҳаларда Кавказорти жумҳуриятларининг ўша даврдаги даражасига ета олдикмикин?

Лекин нолимайлик. Ўзбек тили суверен давлат тили мақомини олди. Шу давр ичида бу борада арзигулик ишлар қилинди. Бироқ, қилинадиган ишлар бундан ҳам кўпроқ.

Жой номлари, киши исмлари қадим замонлардан бошлаб барча қабилалар ва халқлар маданиятида этник-маданий ва лисоний рамзлар сифатида жуда муҳим роль ўйнаб келган ва ҳозир ҳам ўйнамоқда.

Ҳар қандай халқнинг маданий анъаналари ва ёдгорликлар, жумладан, тарихий жой номлари авлоддан-авлодга ўтади, жузъий ташқи ислоҳлар бўлиши табиий — суяк омон бўлса, эт битиб кетади. Лекин 1917 йилги тўнтариш бу анъананинг ildизига болта урди — тарихий ёдгорликлар хонавайрон қилинди: бебаҳо қўлёзмалар, меъморчилик ва амалий санъат асарлари ном-нишонсиз йўқотилди — ёндирилди, ерга кўмилди, талай қисми хорижий мамлакатларга олиб кетилди, беназир иморатлар бузиб ташланди, кўплаб қадимий номлар ўзгартирилди. Миллий жумҳуриятларда эса жой номларини руслаштириш сиёсати маълум маънода миллатлараро муносабатларнинг кескинлашишига сабаб бўлди. Эндиликда топономияга келтирилган зарарларни камайтириш соҳасида қилинаётган ишлар денгиздан томчигина, холос.

Ер-сув отларини ўрганадиган топономика фанида топономик ландшафт деган тушунча бор. Масалан, Ўрта Осиёнинг топономик ландшафти қадимдан туркий ва эроний (суғдий, хоразмий, форсча-тожикча) номлардан иборат. Ўтган асрнинг охирги чорагидан эътибор ан Туркистон харитаси учун бутунлай ёт бўлган русча номлар пайдо бўла бошладики, булар Ўрта Осиёнинг топономик ландшафтига шойига чипта ямоқ бўлиб тушди, халқ бундай номларни ҳазм қила олмади.

Қадимий Мирзачўл даштини руслар «Голодная степь» деб айта бошладилар, ўзбеклар ва қозоқлар тили келмасдан, шу номли темир йўл станциясини Галансуп деб талаффуз қиладилар. Чор генерали номи билан аталган Ломакино станциясини халқ Намакин, кўпдан-кўп «Юбилейний» колхоз-совхозларини Лубилей, Обетованная қишлоғини тожикча ном бўлса керак деб ўйлаб, Оби тавон шаклида талаффуз қиладиган бўлишди.

Жумҳуриятимизда 13 минг чамаси қишлоқ-шаҳар бор, шулардан қарийб чорак қисми Шўро ҳокимияти йилларида ном олган.

Булар буйруқ-кўрсатмалар асосида зўравонлик билан қўйилган номлар. Жой номлари ҳар доим реал воқеликни акс эттиради. Лекин Октябрь инқилобидан кейин қўйилган номларнинг ҳаммаси ҳавойи, енгил-елпи шиорлар, орзу-ҳаваслардан, оддий турдош отлардан иборатдир. Масалан, Авангард, Большевик, Гул, Дўстлик, Зафар, Илғор, Интернационал, Иттифоқ, Коммунизм, Кремль, Меҳнат, Озодлик, Октябрь, Победа, Политотдел, Правда, Роҳат, Совет, Социализм, Ўзгариш, Ғалаба, Ҳақиқат, каби номлардан ҳар бири икки мартадан 85 мартагача такрорланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг ҳамда жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган раҳбарларининг номлари билан аталган шаҳарқишлоқлар орасида Ленин номи алоҳида ўрин тутади: Ленин, Ильич, Ульянов, каби номлар 150 тага етади. Бундан ташқари, 200 дан ортиқ колхоз-совхоз Ленин номи билан аталади. Ленин номи қўйилган кутубхона, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа маданий муассасаларнинг қанчалигини эса ҳеч ким ҳисоблаб чиққан эмас.

Эндиликда халқ Ленин номи билан аталган шаҳарқишлоқларнинг асл номларини тиклашни талаб қилаётир. Тошкент марказидаги Ленин майдонининг жумҳуриятимиз озодликка эришганлигининг нишонаси сифатида—Мустақиллик майдони деб аталиши бу соҳадаги дастлабки қадамдир.

Демак, бутун мамлакатда, инчунин Ўзбекистонда чинакам ҳур замон бошланди, жумҳуриятимиз мустақил давлат деб эълон қилинди. Умумхалқ референдуми буни тасдиқлади. Бу ютуқни мустаҳкамлаш, амалда ҳам абадий мустақил бўлиб қолиш учун иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, лисоний ва бошқа соҳаларда зудлик билан катта-катта ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилиши шарт.

Ана шундай кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири жуғрофий номларни тартибга солиш, халқ томонидан қўйилган азалий номларни тиклаш, мафкуравий қобиққа бурканган сийқа номларга барҳам беришдан иборат. Бундай савобли ишларга Ўзбекистон Маданият жамғармаси ҳузурида бундан икки йил олдин ташкил этилган Топономия (жуғрофий номлар) кенгаши бошқош бўлмоқда.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, совет империяси даврида бирон марта Ўзбекистоннинг каттароқ ўзбекча харитаси нашр этилмади. Жуғрофий хариталар ҳам соҳта эди — улардаги шарқдан ғарбга кетадиган параллел чизиқлар ҳам, шимолдан жанубга чўзилган меридиан чизиқлар ҳам ўз ўрнида эмас эди, мудофаа ва хавфсизлик нуқтаи назардан муҳим ҳисобланган шаҳарлар, конлар ва бошқа объектлар эса ҳақиқий ҳолатидан анча узоқда тасвирланган. Жавоҳирот, жумладан, олтин ва бошқа бир қанча қимматли маъданларнинг конлари хариталарда ўз аксини топмаган эди. Жумҳуриятнинг чинакам мустақил давлат эканлиги унинг харитасидан, жуғрофий номларидан ҳам кўриниб турмоғи керак.

Ўзбекистоннинг янги харитасини яратишга номшунос олимлар ҳам ўз ҳиссасини қўшишади.

Ўзбекистонда номлари ўзгартирилиши керак бўлган қишлоқлар, кўча-кўйлар сони бир неча мингга етади. Бунчалик кўп номни тартибга солиш учун анча йиллар керак бўлади. Лекин жумҳуриятнинг янги харитасида акс этадиган йирик объектлар у қадар кўп эмас.

Масалан, 30 га яқин шаҳар ва шаҳарчалар — кентлар (Гагарин, Дружба, Ульяново, Водник, Калинин, Комсомол, Октябрь ва бошқалар), 20 дан ортиқ район-туман (Большевик, Гагарин, Ильич, Коммунистик, Комсомол, Ленин, Октябрь, Ғалаба районлари ва бошқалар)нинг номлари ўзгартирилиши мақсадга мувофиқдир.

Бунда иложи борича ҳар бир шаҳар-қишлоқнинг азалий номини тиклашга ҳаракат қилиш янгидан ном қўйиш керак бўлган тақдирда тарихчи, тилшунос, жуғрофиюнларнинг фатвосини олиб, жамоатчилик билан бамаслаҳат иш кўриш лозим.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, шахс қандай буюк бўлмасин, киши номини ҳадеб тиқиштиравермаслик, шаҳар-қишлоқларни ва районларни эса умуман киши номлари билан атамаслик лозим. Бунинг учун ҳамма асослар бор: Ўзбекистон Олий Кенгашининг ноябрь ойидаги сессиясида киши номлари ва сиёсий воқеа ҳамда ҳодисалар билан атамаслик керак, деб қонун қабул қилди.

Биз қуйида номлари ўзгартирилиши керак бўлган объектларнинг қисқача рўйхатини келтирамиз:

Шаҳарлар:

БАХТ (Сирдарё вилояти), ГАГАРИН (Жиззах вилояти), ДРУЖБА (Хоразм вилояти), КРАСНОГВАРДЕЙК (Самарқанд вилояти), Асли номи Сўфиқишлоқ, СОВЕТОБОД (Андижон), СОЛДАТСКИЙ (Тошкент вилояти), УЛЬЯНОВО (Жиззах вилояти). Асли номи — Қоратепа, ЯНГИЙЎЛ (Тошкент вилояти). Асли номи Қовунчи, ҲАМЗА (Фарғона вилояти).

КЕНТЛАР (ПОСЕЛКАЛАР): ВОДНИК (Қорақалпоғистон жумҳурияти), ДИМИТРОВСКОЕ (Сирдарё вилояти), ЗАФАР (Тошкент вилояти), КАТТАҚЎРҒОН СУВ ОМБОРИ (Самарқанд вилояти), КОМСОМОЛ (Фарғона вилояти), КОМСОМОЛЬСК (Навоий шаҳри), КОМСОМОЛЬСК-УСТЮРТ (Қорақалпоғистон жумҳурияти), КРАСНОГОРСКИЙ (Тошкент вилояти), КРЕСТЬЯНСКИЙ (Сирдарё вилояти), ЛЕНИНОБОД (Қорақалпоғистон жумҳурияти), ОКТЯБРЬ (Қашқадарё вилояти), ТЕРМИЗ СТАНЦИЯСИ (Сурхондарё вилояти), ТИНЧЛИК (Навоий шаҳри), ЯНГИ ҲАЁТ (Тошкент вилояти).

Суюн ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон Маданият жамғармаси топономия кенгаши ранси.

Эшитмадим деманглар!

● ПРЕЗИДЕНТ САФАРИ. Россия Президенти Борис Ельцин январь ойининг биринчи ярмида республиканинг турли ўлкаларига ташриф буюради.

Президент 8—10 январь кунлари Саратов, Ульяновск. ва Нижний Новгородга боради, 14—15 январь кунлари эса Брянск ва Санкт-Петербург шаҳрига келади.

● ҚАРОРГОҲДА ЕНҒИН. Грузия Президенти Звиада Гамсахурдиа қароргоҳида кеча эрталаб маҳаллий вақт билан соат 10 да ёнғин содир бўлди. Оппозиция кучларининг ҳарбий отрядлари ҳукумат уйини ўққа тутишган. Бино қамали ўн беш кундан буён давом этмоқда. Бино бункерида Гамсахурдиа ҳамда унга яқин бўлган республика Олий Кенгашининг нойблари ҳамда ҳукумат аъзолари бор.

● РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН. Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш давлат визити билан Жанубий Корея пойтахтига келди. У ташриф давомида Корея Республикаси Президенти Ро Дэ У билан икки томонлама муносабатлар бўйича музокаралар олиб боради.

● ҲУКУМАТ ҚАРОРИ. Япония ҳукумати Россия Президенти Борис Ельцинни Японияга расмий визит билан шу йилнинг июнь-июль ойларида келишга таклиф ҳақида қарор қабул қилди. Шу ҳақда «Токио симбул» кундалик рўзномаси хабар қилди.

(Хабарлар ТАСС ва марказий рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун самарали, ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

1-модда. **Асосий тушунчалар**

Давлат тасарруфидан чиқариш — давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш фуқароларнинг ва давлатга таалluқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишдир.

2-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари**

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан, мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан ҳам иборат бўлади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарни ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3. Ўзбекистон Республикасининг республика ҳудудидан ташқаридаги мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ушбу Қонун ва давлатлараро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

3-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари**

Қуйидагилар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари ҳисобланади:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топшириши қўшиб олиб бориш;

пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш;

монополияга қарши қонунлар талабларига риоя этиш.

4-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектлари**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектлари тўлиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади.

2. Қуйидаги объектлар: ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, маданият бойликлари ва тарихий бойликлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

3. Давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ва мол-мулкларнинг турлари ҳамда гуруҳларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши белгилайди.

4. Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунидан келиб чиқадиган хусусиятларни ҳисобга олади.

5-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида мулкни олувчи субъектлар**

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш чоғида:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

давлатга тааллуқли бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этган юридик шахслар;

СССРдан ташқаридаги ажнабий юридик шахслар, фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкни олувчи субъектлар бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахслар давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишлари, танлов ва ким ошди савдосида харидор сифатида қатнашишлари, хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

6-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари ва шартлари**

1. Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш:

давлат корхонасини жамоа корхонасига, акцияли жамиятга, бошқа йўсиндаги хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш;

ижарага олинган мулкни келгусида ҳақ тўлаб сотиб олиш эҳтимоли билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш;

давлат мол-мулкини танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қўйидаги шартларга риоя этган ҳолда амалга оширилади:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоаларининг мустақил аниқлаши;

— давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхоналар меҳнат жамоаларининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинишини таъминлаш;

— бошқа республикалар ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилаётган объектларни, уларнинг акцияларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёки у вакил қилган идора томонидан белгиланадиган квоталар бўйича сотиб олишлари;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг тўла ошкоралиги ҳамда бу ҳақда ахборот эълон қилиш, корхоналар ходимлари томонидан, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотлар ҳамда халқ депутатлари Советлари томонидан назорат қилиш.

7-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари**

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган идоралар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари ўз ҳуқуқ доираларида ҳақиқий шароитни ҳисобга олиб ишлаб чиқадилар ва бу дастурларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ёки халқ депутатлари маҳаллий Советлари тасдиқлайдилар.

8-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан қарор қабул қилиш тартиби**

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берилган идораларга берилади.

Коммунал мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталарига берилади.

Бундай қарорларни қабул қилишга ҳуқуқ берилган идоралар матнда бундан кейин давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини республика мулкига ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (коммунал мулкка) ажратишни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан у ваколат берган идора амалга оширади.

2. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига фуқаролар, давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахслар, меҳнат жамоалари, давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар эгадирлар.

Буюртма:

республика мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид бўлса — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига;

коммунал мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид бўлса, мулк эгаси бўлган халқ депутатлари тегишли маҳаллий Совети ижроқўмига берилади. Буюртманинг шакли ва давлат божининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўрнатадиган тартибда белгиланади.

3. Давлат мулки объектларини тасарруф этувчи давлат мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига киритилган объектлар бўйича харидорлардан буюртма ва меҳнат жамоасининг қарори бор-йўқлигидан қатъи назар, хусусийлаштиришни амалга оширади.

4. Давлат тасарруфидан чиқаришни, хусусийлаштиришни ўтказиш ёки бундай қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорни давлат мулки объектларини тасарруф этувчи буюртма тушган пайтдан бошлаб икки ой ичида қабул қилади ҳамда уни буюртма берганга ва давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхонанинг меҳнат жамоасига ёзма равишда етказади.

5. Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш:

башарти, корхона давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар рўйхатига киритилган бўлса;

башарти, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг корхоналарнинг мазкур тури учун назарда тутилган хусусиятлари ҳисобга олинмаётган бўлса;

башарти, рад этиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат мулки объектларини тасарруф этувчи рад этишни асослаш билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришни амалга ошириш мумкин бўлган шартлар ва муддатларни кўрсатмоғи зарур.

9-модда. **Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш**

1. Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш иши давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган мол-мулк таркибини аниқлашни, унинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини инвентаризациядан ўтказишни, корхонанинг активлари ва пассивларини баҳолашни, меҳнат жамоасида тушунтириш ишлари олиб боришни, бошқа масалаларни ҳал этишни, шу жумладан яккаҳокимликка қарши қонунлар талабларини инобатга олган ҳолда ҳал этишни ўз ичига олади.

2. Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар комиссиялар тузади, бу комиссиялар барча зарур ишларни олиб борадилар. Комиссия таркибига давлат мулки объектларини тасарруф этувчиларнинг, маъмуриятнинг, корхона меҳнат жамоасининг, унинг касаба уюшмаси ташкилотининг ёки ўзга жамоа ташкилотларининг, молия идорасининг, банкнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вакиллари, бошқа мутахассислар киритилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш комиссияси давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхона маблағи ҳисобидан пул тўлаш шарти билан ишнинг айрим йўналишлари бўйича экспертлар гуруҳларини тузишлари, маслаҳат берувчи, аудитор ва бошқа ташкилотларни бу ишга жалб этиши мумкин.

Комиссия корхона маъмурияти билан биргаликда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхона тўғрисида давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришда қатнашаётган субъектлар учун, шунингдек жамоатчилик учун белгиланган нусхада зарур ахборот тайёрлайди.

3. Комиссия корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади ва давлат мулки объектларини тасарруф этувчига тасдиқлаш учун тақдим этади, бу режа:

давлат тасарруфидан чиқаришни ёки хусусийлаштиришни ўтказиш муддатларини;

объектнинг қийматини;

корхонани қайта ташкил этишнинг зарурат бўлганда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларидан фойдаланишнинг мавжуд тартиби ва шартларини сақлаб қолишни ҳам назарда тутувчи лойиҳасини;

ҳисоб-китобларнинг тавсия этиладиган шакл ва муддатини;

имтиёзлар бериш, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган молмулкнинг бир қисмини бепул бериш имкониятини ўз ичига олади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш режасига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

10-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектининг сотув нархи**

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектининг сотув нархини давлат мулки объектларини тасарруф этувчи белгилайди. Бу нарх объект қийматининг комиссия чиқарган дастлабки баҳосидан кам бўлиши мумкин эмас ва унда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилаётган пайтда қарор топган ҳақиқий бозор баҳоси ҳисобга олинган бўлиши лозим.

2. Давлат мулки объекти қийматининг дастлабки баҳосини комиссия ҳақ тўлаб сотиб олинадиган, сотиладиган, акцияли жамиятга ва масъулияти чекланган жамиятга айлантириладиган давлат корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулки қийматини баҳолаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низом асосида чиқаради.

3. Давлат корхонаси жамоа корхонасига айлантирилаётганида корхона балансида бўлган ижтимоий инфраструктура ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектларининг қиймати объектнинг савдо баҳосига киритилмайди.

11-модда. **Ижарага олинган давлат корхонаси молмулкини сотиб олиш тартиби**

1. Ижарачи давлат мулки объектларини тасарруф этувчи розилиги билан ўзи ижарага олган мол-мулкни ҳақ тўлаб (тўлиқ ёки қисман) сотиб олиши мумкин.

2. Ижарага олинган молмулкнинг баҳоси ҳақини тўлаб олинадиган, сотиладиган, акцияли жамиятларга ва масъулияти чекланган жамиятларга айлантириладиган давлат корхоналари ва ташкилотлари молмулкининг қийматини баҳолаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаб берадиган Низомга мувофиқ чиқарилади.

3. Мол-мулкни жамоа мулки учун сотиб олишда жамоа корхонасининг Уставида ҳар бир ходимнинг мол-мулкдаги ҳамда фойдадаги улуши унинг иш стажини, иш ҳақи миқдори ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб қўйилади.

12-модда. **Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш**

1. Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш давлат мулкини меҳнат жамоаси аъзолари томонидан (бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаб) сотиб олиш орқали ёки бу мулкни уларга текинга бериш орқали амалга оширилади.

2. Меҳнат жамоаси томонидан тасдиқланадиган жамоа корхонасининг Уставида ҳақ тўлаб сотиб олинган мол-мулкнинг қийматини ходимлар ўртасида тақсимлаш тартиби кўзда тутилади.

13-модда. **Давлат корхоналарини акцияли жамиятларга, ўзга хўжалик жамиятларига ва ширкатларга айлантириш**

1. Давлат корхонасини акцияли жамиятга, ўзга хўжалик жамиятига ёки масъулияти чекланган жамиятга айлантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

2. Давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар давлат акцияли жамиятларининг муассислари бўладилар, улар акцияларни тарқатиш тартиби ва шартларини белгилайдилар.

Қуйидагилар акциялар эгаси бўлиши мумкин:

меҳнат жамоасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари, ўзга суверен давлатларнинг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик шахслари;

давлат бошқарувининг республика ва маҳаллий идоралари.

14-модда. **Давлат мулки объектини танлов бўйича сотиб олиш**

1. Давлат мулки объектлари танлов бўйича сотилиши мумкин.

2. Танловни ўтказиш шартлари, тартиби ва муддатини давлат мулки объектларини тегишли тасарруф этувчи тайинлайдиган танлов комиссияси белгилайди.

15-модда. **Давлат мулки объектини ким ошди савдосида сотиш**

1. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналарни ким ошди савдосида сотишга қўйиш тўғрисидаги қарорни давлат мулки объектини тасарруф этувчи қабул қилади.

2. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларнинг ким ошди савдосини ўтказиш учун давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар ким ошди савдоси хизматларини ташкил этадилар, бу хизматлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ иш кўради.

3. Харидор томонидан сотиб олинмаган объект республика (коммунал) мулки бўлиб туради. Бундай ҳолларда давлат мулки объектларини тасарруф этувчи корхонани тугатиб, унинг мол-мулкини бўлак-бўлак қилиб сотиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

16-модда. **Битимларни расмийлаштириш тартиби**

1. Давлат мулки объектларини тасарруф этувчи мол-мулкни янги мулкдорга топшираётганда унга мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ордер беради. Ордернинг нусхаси, давлат божининг миқдори ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2. Давлат корхоналари ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган тақдирда мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ордер ҳақнинг биринчи бадали тўлангач берилади. Корхонанинг қиймати бутунлай тўлаб бўлингунга қадар давлат мулки объектини тасарруф этувчи мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши, шу жумладан давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг розилигисиз бу мулкни сотишни ва текинга беришни тақиқлаб қўйиши мумкин.

17-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун маблағлар манбаи**

1. Қуйидаги маблағлар мол-мулкни сотиб олиш учун манба бўлади:

жисмоний шахсларнинг шахсий маблағлари, давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг ўз маблағлари, кредитлар, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган усуллар билан олинган бошқа молиявий маблағлар.

2. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат корхонаси меҳнат жамоасининг аъзолари корхонани қўйидаги манбалар ҳисобига сотиб олишлари мумкин:

соф фойданинг меҳнат жамоаси аъзолари мулки бўлган қисми;

амортизация ажратмалари ҳамда меҳнат жамоасининг мулки бўлган ва давлат корхонасида ишлатиладиган мол-мулкни сотишдан келган тушум;

қимматли қоғозлар чиқариб жалб этилган маблағ;

банк кредитлари ва ўзга қарз маблағлари;

меҳнат жамоаси аъзоларининг шахсий маблағлари;

давлат мулки бўлмаган бошқа маблағлар.

3. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан давлат мулкини сотиб олиш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

18-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш**

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинган маблағ Ўзбекистон Республикасининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг давлат мулки ҳисобланади.

2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келган даромадлар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш махсус фондларида жамланади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш фондларини тузиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектларининг ўзаро мажбуриятлари**

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида давлат мулки объектларини тасарруф этувчи билан янги мулкдор ўртасида ўзаро мажбуриятлар ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган объект фаолиятининг шартлари ҳақида, шу жумладан:

муайян даврга корхона ихтисосини, ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб қолиш;

иш жойларини сақлаб қолиш ёки ўзгартириш;

маҳсулотни маълум истеъмолчиларга етказиб бериш;

ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ижтимоий-маиший объектларни сақлаш, уларнинг ишлаш шароитларини сақлаб қолиш;

ходимларни ижтимоий-маиший таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари;

ўзга мажбуриятлар ҳақида муайян даврга мўлжалланган битим тузилиши мумкин.

2. Битимнинг шартлари корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш даврида белгиланади ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектларига сотилажак нарх билан бирга маълум қилинади.

20-модда. **Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг ходимларига бериладиган енгилликлар ва кафолатлар**

1. Давлат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилаётганда ва хусусийлаштирилаётганда шу ердан пенсияга кетган меҳнат фахрийларига ҳамда корхонада камида 10 йил ишлаган меҳнат жамоасининг аъзоларига акциялар ва бошқа мулк бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш орқали сотилиши мумкин.

2. Давлат корхоналарининг мол-мулкини сотиб олиш чоғида меҳнат жамоасининг аъзолари, улар томонидан тузилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлар бошқа шароитлари тенг бўлганида ўзга фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эса бошқа харидорларга нисбатан устивор ҳуқуққа эга бўладилар.

3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш оқибатида қайта тузилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ солиқ тўлашда енгилликлар берилиши мумкин.

4. Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхоналар меҳнат жамоаларининг аъзоларига қуйидаги кафолатлар берилади:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилаётган даврда корхона маъмурияти илгари тузилган жамоа шартномасининг барча қоидаларига риоя этишга мажбурдир;

эгалик ҳуқуқи янги мулкдорга ўтган кундан бошлаб олти ой давомида мулкдор билан корхона меҳнат жамоаси ўртасида янги жамоа шартномаси тузилади.

5. Бўшатилаётган ходимларни ишга жойлаштириш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги ҳамда иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

21-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни назорат қилиш**

Давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар жамоатчилик билан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида фойдаланиладиган пул маблағларининг келиб чиқиши устидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлат ва жамоат назорати ўрнатилишини таъминлайдилар.

22-модда. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари юзасидан баҳсларни ҳал этиш**

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари юзасидан баҳслар суд тартибида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1991 йил 19 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар амалдаги норматив ҳужжатларнинг ушбу қонунга зид бўлмаган қисмлари қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси икки ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ва мол-мулк турлари ва гуруҳлари ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаш ҳақида таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ўзларининг ушбу қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини республика мулкига ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (коммунал мулк) ажратиш тартибини ишлаб чиқсин;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг 1992-1993 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тасдиғига тақдим этсин;

ушбу қонунни амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси давлат банки хусусийлаштирилажак мулкни сотиб олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга кредитлар беришга оид йўриқномани икки ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети ушбу қонуннинг ижроси устидан назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 19 ноябрь.

Жигаристон қаддини ростлади. Бу ерда замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига топширилди. Ангрен шаҳри чеккасида 50 замонавий коттеж бунёд этилди. Ҳар бир оила учун 12 сотихдан ер ажратилди.

ЎзТАГ мухбири В. Миленький куни кеча Жигаристонда бўлиб, у ерни ҳаётини суратга туширди: 1. Қимизой опа Мелибоева 8 фарзанднинг онаси. У бугунги кунда набираларини тарбиялямоқда. Ҳовлида қўй-қўзилар боқиляпти. Бу кичкинтойларга қувонч бағишлаётир. 2. Жигаристон қишлоғининг бугунги қиёфаси.

Мерос

ҚИММАТЛИ МАНБА

Араб тили ҳали давлат ва илмий адабиёт тили сифатида ўз мавқеини йўқотмаган эди. Лекин сомонийлар сулоласи ҳукмронлари форс тилига кўпроқ эътибор бериб, шу тилда ижод этган шоирларни рағбатлантирар эдилар. Форс-тожик шеърияти асосчиси Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (вафоти 941 ёки 952 йил), Абулҳасан Шаҳид Балхий, «Офаринномa» муаллифи Абу Шукур Балхий (915 йили туғилган), шоира Робиа, «Шоҳнома» муаллифи Абу Мансур Муҳаммад Дақиқий (вафоти 977 йил) кабилар ўз шеърларини форс тилида ижод этдилар. Буюк шоир Абулқосим Фирдавсийнинг (934 ёки 941—1020 ёки 1025 йиллар) ўлмас асари «Шоҳнома» ҳам шу тилда яратилди.

Мовароуинахр ва Хуросонда бадиий адабиётда араб тили ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган эди. Кўпчилик ерли шоирлар ўз асарларини араб тилида ёздилар.

X аср ва XI аср бошларидаги форс тилидаги бадиий адабиёт собиқ совет, Ғарбий Европа ва Эрон адабиётшуносларидан томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб, бу борада жуда кўп илмий тадқиқотлар яратилди ва кўплаб илмий асарлар чоп этилди, ҳозирги кунда ҳам форс тилидаги адабиётни ўрганиш давом этмоқда.

Лекин шу даврларда Мовароуннахр ва Хуросонда яшаган ва ўз асарларини араб тилида ижод этган кўплаб шоирлар ҳаёти ва ижоди тўла ўрганилганича йўқ. Бу шоирлар ўша даврда йирик илм-фан марказлари бўлган Бухоро, Насаф (Қарши), Марв, Ҳирот, Рай, Исфаҳон, Ҳамадон каби шаҳарларда ва Хоразм диёрида яшаб ижод этганлар. Араб ҳалифалиги марказларидан келиб қолган баъзи бир шоирларни ҳисобга олмаганда, бу шоирларнинг кўпчилиги ерли халқлар вакиллари бўлган. Бу қалам соҳибларини ҳозирги жуғрофий бўлинишлар асосида Ўрта Осиё ва Хуросонда яшаётган бирор халққа нисбат бериш илмий асосга эга бўлмайди. Улар ўша даврда Сомонийлар; кейинчалик Ғазнавийлар давлатлари ҳудудида ҳамма халқларнинг араб тилида ижод этган — арабийнавис шоирларидир. Биз ўзбек бадиий адабиётини ўрганганда X аср арабийнавис шоирлари ижодини, албатта, шу адабиётнинг бир таркибий қисми сифатида ўрганишимиз керак.

Бизга ўша давр шеъриятини ўрганиш учун ягона манба Ибн Сино ва Беруний лар замондоши, буюк олим-тилшунос, тарихнавис ва адиб Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ас-Саолибийнинг (961—1038) «Йатимат ад—даҳр фи маҳосин аҳл ар-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси» ва «Татиммат ат—Йоти» («Йатимат ал—даҳр»нинг қўшимчаси) асарларидир. Ҳар бири тўрт қисмдан иборат бу дурдона тазкираларнинг тўртинчи қисмлари Мовароуннахр ва Хуросонлик арабийнавис шоирларига бағишланган. Фақат шу асарлар туфайлигина биз ўзимизнинг арабийнавис шоирларимиз ҳақида маълумотга эга бўламиз.

«Йатимат ад—даҳр» тазкирасининг тўртинчи қисмида X аср ва XI аср бошларида яшаб ижод этган 124 та шоир ҳақида маълумот берилиб, улар шеърларидан намуналар келтирилган.

Тазкиранинг Бухоро шоирларига бағишланган иккинчи бобини Саолибий шундай сўзлар билан бошлайди: «Бухоро Сомонийлар ҳукмронлиги (даврида) шоншуҳрат макони, салтанат, каъбаси ва замонанинг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган (жой) эди».

Тазкирага киритилган шоирлар орасида ҳозиргача ижоди жуда кам ўрганилган, ажойиб шоир, «Рисолалар» номли насрий асар муаллифи Абу Бакр ал—Хоразмий (935—993), васфий шеърлар ёзишда замомасининг яктоси Абу Толиб Абдусалом ал—Маъмуний (вафоти 994 йил) Маҳмуд Ғазнавий тарихига бағишланган, ҳали ўрганилмаган «Тарих ал—Йаминий» асари муаллифи Абу Наср Муҳаммад ал—Утбий (961—1036) каби йирик ижодкорлар бўлган.

«Татиммат ал—Йотима» тазкираси «Йатимат ад—даҳр»нинг тўлдирилгани бўлиб, бунинг IV қисмига 104 та Ўрта Осиё ва Хуросонлик шоир киритилган. Булар X аср охири ва XI аср бошларида яшаб, араб тилида ижод этган шоирлардир. Арас тилидаги қасидаларда тарихий воқеалар ҳам тасвирланган бўлиб, булар ўша давр ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мовароуннахр ва Хуросон арабийнавис шоирлари ижодида ҳажв ҳам кенг тарқалган эди. Араб тилидаги ҳажвлар орасида очиқдан-очиқ ва қўрқмай амир ва султонларга қарши ёзилган байтларни учратамиз. Кўпчилик ҳажвий шеърларда турли мансабдорлар, давлатманд савдогарлар, хасис, очкўз бойлар қаттиқ танқид қилинади. Бу билан шоирлар мавжуд тузум ва ундаги тенгсизликларга нисбатан норозиликларини ифода этганлар.

Ўша давр арабийнавис шоирлар ижодида васфий шеърлар ҳам алоҳида ўрин тутади. «Васф» арабча сўз бўлиб тавсифлаш, тасвирлаш, сифатлаш каби маъноларни англатади. Шеъриятда бирор воқеа-ҳодисани ёки нарса—буюмни чиройли ўхшатишлар, мажозий иборалар қўллаб бадиий тавсифлаб беришга васф деб аталади. Бу вақт Бухорода ўз ижодининг асосий қисмини васфий шеърлар ёзишга бағишлаган ва замонасида ҳеч ким у билан тенглаша олмаган Абу Толил ал—Маъмунийдек машҳур шоир яшади. «Йатимат ад—даҳр»га кирган васфий шеърларнинг кўпчилиги шу шоир қаламига мансубдир. Васф X асрда Бухорода ал—Маъмунийнинг ижодида алоҳида жанр сифатида такомиллашди ва юқори чўққига кўтарилди. Ал—Маъмунийнинг юздан ортиқ васфий шеърлари бизгача етиб келган. Бу васфларда йил фасллари ва табиат ҳодисалари, уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари, турли-туман лазиз таомлар, ширин ичимликлар, мевалар, сабзавот ва гуллар, уй ҳайвонлари, қасрлар, миноралар ва турли либослар тасвирланган.

XI аср иккинчи ярмидан бошлаб туркий тилларда бадиий асарлар яратила бошланди. Бунинг энг йирик намунаси Юсуф хос Ҳожибнинг 1069—1070 йилларда ёзилган «Қутадғу билик» шеърий асаридир. Бу муҳим тарбиявий, ахлоқий, бадиий асар бўлиб, унда давлатни бошқариш усуллари, сиёсат асослари, давлат тузилиши ва унинг қонунлари, ахлоқ тартиб-қоидалари, турли-туман халқлар урф-одатлари, аҳли турли табақаларининг жамиятда тутган ўрни каби муҳим масалалар ёритилган. 1073 йили Маҳмуд Қошғарий томонидан ёзилган «Девон луғат ат—турк» номли турк-араб луғати ҳам туркий тилдаги йирик ёдгорлик бўлиб, унда Мовароуннахрдан Хитой чегарасигача бўлган туркий халқлар номлари қайд этилиб, бу халқлар тилларидаги фарқлар кўрсатиб берилган. Туркий халқлар маданиятини ўрганишда бу ниҳоятда қимматли манбадир.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

Тошкент райони. Ёш табиатшуносгар станцияси аъзолари моҳир мураббий Ҳаким Илҳомовдан беҳад миннатдор бўлмоқдалар. Уста ёшларга санъатнинг турли сирларини меҳр билан ўргатмоқда.

Суратда: Ҳ. Илҳомов ўймакорлик санъати бўйича сабоқ бермоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

Ўзбекистон биржалари конгресси

ИҚТИСОДИЁТ ТИЗИМИДА ЯНГИ БЎҒИН

Ўтган тижорат йили республикамизда катта излар қолдирди: Тошкентда жаҳон ишбилармонларининг учрашуви, ҳорижлик шериклар билан бирга барпо этилган кўпдан кўп қўшма ишхоналар ва албатта, биржалар фаолиятининг авж олиши... Йил якунига келиб Ўзбекистон Республикаси биржалари конгресси ташкил топиши бу ҳаракатнинг муайян якуний босқичи бўлди.

— Республика биржалари конгрессига Қорақалпоғистон ва саккиз вилоятдан 18 та биржа раҳбарлари киради, — дейди конгрессининг вице президенти, Тошкент минтақаларо «Ҳамкорлик» мол-хом ашё биржаси бошқарувининг раиси Муҳаммадсобир Қодиров. — Конгресснинг асосий мақсад ва вазифалари умумий иқтисодий маконни шакллантиришда фаол иштирок этиш, хусусийлаштириш жараёнига кўмаклашиш, ишбилармонлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаб бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, хорижий сармояларни жалб этишдан иборат. Бу соҳада яккаҳокимлик кўринишларига барҳам бериш, нолойиқ рақобатлашишларни ситиб чиқариш лозим.

Республикамизда биржа ҳаракати эндиликда қонуний ҳужжатларни тузиш, биржалар, бошқа тижорат тузилмаларининг фаолиятини тартибга солишда қатнашиш учун пишиб етилди. Шунинг учн уставимизда ҳар қандай давлат ва жамоат идораларига иқтисодиётни ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий манфаатлар, ишбилармонларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқи ёзиб қўйилди. Кўп даромад топишга йўллар кенг очилиши керак, лекин бу йўл ҳалол бўлиши лозим.

Ғарб, Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ, хусусан Туркия тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бадавлат одамлар кўпайса мамлакат ҳам шунчалик бойиб боради.

Республика биржа ҳаракати фаоллари ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий лойиҳаларни ишлаб чиқишган. Ягона транспорт хизмати, ягона компьютер тармоғи, биржалараро банклар ташкил қилиш, биржа мутахассисларини тайёрлаш марказини очиш, суғурта муассасалари, маслаҳат марказлари ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш керак. Албатта бу вазифалар нафақат биржа жамоалари, балки бошқа қатлам ишбилармонларининг ҳам куч-ғайратларини бирлаштиришни талаб қилади. Бу борада биз ҳукумат идораси, республика ноиблари мададига муҳтожмиз. Янги ҳаракат нечоғли самара бергани сайин янги йилда республикадаги ҳар бир кишининг моддий аҳволи яхшиланиб боришига шубҳа йўқ.

В. МАТУСЕВИЧ.

• СПОРТ •

ОЛИМПИАДАНИ КЎЗЛАБ

● СОБИҚ СССРнинг мустақил давлатларга бўлиниб кетиши спорт соҳасида ҳам ўзига хос муаммоларни юзага келтирмоқда. Маълумки, собиқ иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон спортчилари ҳам ягона байроқ остида СССР спорти шарафини ҳимоя қилардилар. Халқаро ва олимпиада ўйинларида эса собиқ иттифоқимиз манфаатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилинарди. Зеро, мухлислар орзиқиб кутган йил ҳам бошланди. Бу йил қишки ва ёзги олимпиадалар, футбол бўйича Европа чемпионати ўтказиладиган ўзига хос мавсумдир. Хўш, республикамиз спортчиларининг бундай йирик анжуманлардаги иштироклари қай йўсинда ташкил этилади.

Спортга оид ечимини кутаётган муаммоларга 9 январь куни Минск шаҳрида бошланадиган йиғинда ойдинлик киритиш кўзда тутилмоқда. Шу куни собиқ иттифоқдош республикаларнинг жисмоний тарбия ва спорт комитети раҳбарлари Белоруссия пойтахтига тўпланадилар. 14 январда эса Ўзбекистон республикаси миллий олимпиада комитетининг таъсис мажлиси ўтказилади. Бу йиғинда Ўзбекистон спортчиларини мустақил давлатлар ҳамдўстлиги спорт жамоалари таркибида ёки мустақил давлат сифатида йирик анжуманларда иштирок этиш масаласи ҳал этилади. Республикамиз спортчилари эса Ўзбекистон нуфузини янада баландроқ кўтаришга шайланишмоқда.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

80-ТИРАЖНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1991 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДА МОСКВА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ

Заёмнинг эллик етти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
201325	1—100	300	229583	008*)	10000	257586	020*)	10000
201366	1—100	300	229674	1—100	300	257813	1—100	500
201802	1—100	300	229777	007*)	25000	258978	1—100	300
202129	022*)	2500	229906	1—100	300	260323	1—100	300
202436	1—100	500	229927	055*)	2500	261083	1—100	300
202695	065*)	5000	230112	1—100	500	261306	1—100	300
202834	1—100	300	230186	035*)	10000	262833	1—100	300
203490	021*)	5000	230268	078*)	2500	264042	027*)	25000
204438	046*)	2500	230894	092*)	2500	265523	015*)	2500
204579	060*)	5000	231167	1—100	300	265895	1—100	300
204648	087*)	2500	231248	1—100	300	265979	1—100	300
204945	1—100	300	231349	039*)	2500	266250	040*)	2500
205251	1—100	500	231421	1—100	300	266573	1—100	300
205699	096*)	5000	231659	1—100	300	267521	1—100	300
206177	100*)	2500	232371	1—100	500	269007	009*)	5000
206235	1—100	300	232436	075*)	2500	271140	1—100	500
208076	038*)	25000	232746	026*)	5000	271538	066*)	5000
208373	1—100	500	232960	083*)	1000	271934	056*)	5000
208499	051*)	2500	233737	072*)	2500	272556	1—100	300
208666	1—100	500	233776	073*)	5000	273195	067*)	10000
208699	087*)	2500	234618	073*)	2500	273814	016*)	1000
208759	038*)	2500	234806	098*)	1000	274405	1—100	500
210095	1—100	300	236130	1—100	500	275147	057*)	2500
211105	061*)	10000	236225	055*)	5000	276281	013*)	25000
211658	1—100	300	236977	049*)	5000	276936	1—100	300
212122	1—100	300	237202	1—100	300	277659	098*)	1000
212264	1—100	300	237468	017*)	5000	277989	098*)	2500
213310	1—100	300	237662	064*)	1000	278715	012*)	2500
213394	001*)	2500	238241	084*)	2500	281286	055*)	1000
213583	008*)	5000	239848	036*)	2500	282535	044*)	1000
213793	1—100	300	240282	011*)	2500	282659	064*)	5000
213948	019*)	2500	240962	017*)	2500	282869	092*)	1000
214000	1—100	500	241213	069*)	5000	283606	1—100	300
214517	021*)	5000	241258	1—100	300	284354	1—100	300
215426	012*)	5000	242957	1—100	300	285106	079*)	2500
215633	011*)	10000	243995	061*)	5000	285650	1—100	300
215806	054*)	5000	244328	037*)	2500	285851	038*)	2500
218295	1—100	300	244771	062*)	5000	286083	1—100	500
218897	1—100	300	244896	005*)	5000	286226	090*)	25000
218990	1—100	300	244941	041*)	5000	286526	1—100	300
219452	009*)	5000	245101	038*)	10000	286874	1—100	500
219761	097*)	2500	245375	1—100	300	287580	073*)	1000
219932	1—100	500	245773	039*)	2500	287603	1—100	300
220219	040*)	2500	246002	049*)	2500	287687	024*)	5000
220261	009*)	1000	248033	042*)	1000	287849	052*)	1000
220295	021*)	2500	248485	1—100	300	288753	1—100	500
220323	028*)	2500	249427	096*)	1000	288764	060*)	1000
220969	078*)	1000	249607	1—100	300	288910	1—100	300
221449	085*)	1000	249686	1—100	300	289163	098*)	10000
222163	001*)	5000	249908	028*)	2500	290337	1—100	300
222693	1—100	300	250087	072*)	5000	290665	071*)	2500
223076	1—100	300	251250	023*)	5000	291332	078*)	2500
223942	085*)	2500	251827	032*)	1000	292769	021*)	2500
224013	1—100	300	252001	047*)	2500	292945	070*)	2500
224351	1—100	300	252216	1—100	300	293532	033*)	2500
224486	1—100	300	253067	1—100	300	294083	1—100	300
225378	1—100	500	253106	054*)	5000	294195	064*)	2500
225534	1—100	300	253322	046*)	2500	294828	083*)	5000
226345	1—100	300	254002	1—100	300	294958	024*)	2500
226559	1—100	300	254551	1—100	500	295160	026*)	10000
226635	002*)	5000	255164	1—100	300	295612	005*)	2500
226659	019*)	2500	255180	1—100	300	295660	1—100	300
227047	1—100	500	256441	022*)	5000	295780	042*)	5000
227226	1—100	300	256635	1—100	500	296812	1—100	300
227586	036*)	1000	256892	086*)	10000	296896	006*)	1000
228271	1—100	300	256999	090*)	2500	297230	1—100	300
228493	068*)	1000	257280	1—100	300			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 300 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 300, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан серидаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 600, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 1000, 2500, 5000, 10000, 25000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 300 сўм чиқади ва облигация бўйича 1300, 2800, 5300, 10300, 25300 сўм тўланади. 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, ССЖИ Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси—Москва шаҳар Марказий маъмурий округи Префектураси профектумининг биринчи ўринбосари **А. В. Беляев.**

Тираж комиссиясининг масъул котиби В. А. Притнова.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ОЛИМЛАРИ, МЕТОДИСТЛАРИ, КЕКСА МУАЛЛИМЛАРИ ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ҲУРМАТЛИ БИРОДАРЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЖУМҲУРИЯТ ЎҚУВ-УСЛУБИЁТИ МАРКАЗИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН

ТОШКЕНТДА ЯНГИ ҚУРИЛГАН «ЎҚИТУВЧИЛАР УЙИ»НИНГ БИНОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМ ТАРИХИ МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ушбу музей хоналарида Жумҳуриятимизнинг энг қадимги даврдан то бугунги мустақилликка эришган кунларигача бўлган таълим-тарбия тарихи кенг ва ҳаққоний ёритилади.

Янги зиёратгоҳ ўз ўтмишимизни ўрганиб, келажаккга тўғри назар ташлашда барча муаллимларга, ёшларга амалий дастур бўлади, деб умид қиламиз.

АЗИЗЛАР!

Ўз ташкилотингизда, шахсий архивингизда, уйингизда таълим-тарбия тарихига оид экспонатлар (ҳужжатлар, гувоҳномалар, фотосуратлар, тошбосма ва қўлёзма китоблар, дарсликлар, турли даврларнинг рўзнома ва ойномалари, маиший уй-рўзғор буюмлари, машҳур маърифатчиларнинг шахсий буюмлари, хотиралар ва ҳакозолар мавжуд бўлса;

УЛАРНИ БЎЛАЖАК МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА НАМОЙИШ ЭТИШ УЧУН

МУЗЕЙГА ҲАДЯ ҚИЛИШИНГИЗНИ ВА БУ ҲИММАТИНГИЗ ОРҚАЛИ ХАЙРЛИ ИШГА ҲИССА ҚЎШИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

АЙРИМ ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАР КЕЛИШИЛГАН НАРХДА СОТИБ ОЛИНАДИ.

Экспонатларни ўз вилоятингиздаги халқ таълими Бошқармасига ёки бевосита Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига (индекс 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар ҳиёбони, 5-уй) **топширишингзни сўраймиз.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-УСЛУБИЁТ МАРКАЗИ.

Тошкент шаҳри ва республика аҳолиси диққатига!

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

1992 ЙИЛ 9 ЯНВАРДА

БЎШ ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА КЕНГ ҚУЛАМДАГИ ҚУЙИДАГИ ИШЧИ КАСБЛАРИ ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ:

фрезерчилар, токарлар, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари, механика-йиғув ишлари чилангарлари, парчинловчи-йиғувчилар, қолипловчилар, таъмирловчилар, темирчилар, ҳайдовчилар, механизаторлар, қурувчи касбларидаги ишчилар, тарбиячилар.

ЎРТА МАЛАКАЛИ ИШЧИНИНГ ИШ ҲАҚИ — 1300 СЎМ.

Ихтисослиги бўлмаганлар бирлашма цехларида касб ўрганадилар. Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган шахсларга имтиёз берилади.

Ўзбекистон вилоятларидан келган, 18 ёшдан катта, ёлғиз фуқаролари ва заҳирага бўшатилган ёшлар иш пайтида ётоқхонадан жой бериш билан 4 йилгача муддатли шартнома бўйича ишга қабул қилинадилар.

Ярмарка Тошкент шаҳридаги район меҳнат биржаларида, Республика шаҳар ва районларидаги барча меҳнат биржаларида, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилади.

БИРЛАШМАДАГИ ЯРМАРКАГА: 3, 10, 23, 27-трамвайлар; 6, 15, 23, 49, 48, 72, 97, 151, 54-автобуслар билан; метрода эса «Чкалов» бекатигача борилади.

Республикадаги барча меҳнат биржаларидан маълумотлар олиш мумкин.

Бирлашмадаги мулоқот телефонлар: 96-33-91, 96-08-19, 41-02-84.

Хушхабарлар

ГАЗ ПЛИТАЛАРИ

«Уйчисельмаш» заводи жамоаси кунига 80 — 100 тадан газ плиталари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида амалга оширилаётган бундай хайрли ишларда Маҳамадали Файзиматов бошлиқ бригада аъзолари ибрат кўрсатишмоқда. Йил бошидан бери жаъми 154 миллион сўмлик газ плиталари тайёрланди.

ДУДЛАНГАН БАЛИҚ

Наманган районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида кичик корхоналар яна биттага кўпайди.

Бу ерда дудланган балиқларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Одилжон Қобулов бошчилик қилаётган цехда кунига 500 килограмм балиқ қайта ишланиб, дудланмоқда. Ҳозирча ҳом ашё вилоятдаги балиқчилик хўжаликларидан олиб келинмоқда. Кейинчалик шу ернинг ўзида балиқчилик хўжалиги ташкил этиш кўзда тутилган.

САВОБЛИ ИШ

Ўзбекистон 50 йиллиги номли шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба уюшмаси ташкилотн уй-жой комиссияси савобли ишларни амалга оширмоқда.

Комиссиянинг навбатдаги йиғилишида қарийб 14 ишчига янги уйлар берилганлиги эълон қилинди. Ишчи хизматчилар асосан Наманганнинг биринчи ва иккинчи микрорайонлари ва «Оромгоҳ» мавзесидаги уйларга кўчиб кирадилар. Йил бошидан бери 40 дан ортиқ тўқимачи янги уй-жойли бўлди.

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИДА

Намангандан 3-пахта тозалаш корхонасининг бир гуруҳ ходимлари эски ўзбек ёзувини ўрганиш курсини тугатдилар.

Вилоят «Билим» жамиятининг корхона қошида ташкил этган ушбу курсида 24 нафар тингловчи ўқиди. Мударрис Латифжон Убайдуллаев ўзининг тушунарли ва равон сабоқ бериш услуби билан кўпчилик тингловчиларни мамнун этди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Ер қимирлади

«Тошкент» сейсмология станцияси 5 январда соат 22 дан 14 минут ўтганда ер силкинишини қайд этди. Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ер 3 балл куч билан қимирлаганини сезишди.

Зилзила маркази Наманган вилоятининг Поп районида эди. Бу ерда ер силкиниши кучи 6—6,5 баллга, Наманганда 5 баллга етди. Фарғонада силкиниш кучи 3—4 балл бўлди.

Попдаги ер қимирлаши Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмида сезилди. Курбонлар ва вайронагарчилик ҳақида хабар келмади.

(ЎзТАГ).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 349.745 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11

№ 5.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.45. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.